

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

САИДОВА САЙЁРА АЛИШЕР ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИДА
ДИНИЙ МАЪРИФАТНИНГ АҲАМИЯТИ**

07.00.04 – Диншунослик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Сайдова Сайёра Алишер қизи

Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг
аҳамияти (07.00.04).....3

Saidova Sayyora Alisher qizi

The importance of religious enlightenment in the socio-cultural life
of the youth of Uzbekistan (07.00.04).....21

Сайдова Сайёра Алишеровна

Значение религиозного просвещения в социально-культурной жизни
молодежи Узбекистана (07.00.04).....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ40

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

САИДОВА САЙЁРА АЛИШЕР ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИДА
ДИНИЙ МАЪРИФАТНИНГ АҲАМИЯТИ**

07.00.04 – Диншунослик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2019.2.PhD/Fal153 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз ва рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифасининг www.iaau.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Агзамходжаев Сайдакбар Сайдович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Баҳодиров Роиқ Мажидович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Кушаев Умиджон Рахимович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация химояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iaau.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iaau.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д.,
профессор

Д.А.Рахимджанов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.,
доцент

Н.Ғ.Низаметдинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Бир
марталик илмий семинар раиси
ўринбосари, фил.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги глобаллашув шароитида дунёда инсониятни ташвишга солаётган салбий оқибатлардан бири диний мутаассиблик асосида келиб чиқувчи зиддиятлар сифатида намоён бўлмоқда. Бундай вазиятда ёш авлоднинг қизиқиш доираси, фаолияти, дунёқарашини диний маърифат билангина бартараф этиш мумкин. Ёшлар онгига диний маърифатни жамиятдаги мавжуд ахлоқ ва одоб анъаналарига мос ва хос қилиб тарбиялаш глобаллашган дунёда энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Жаҳоннинг қатор мамлакатларида ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши, хусусан, жисмонан ҳамда маънан етук бўлишида тараққиётнинг энг муҳим омили баркамол авлодни тарбиялаш, замонавий билим ва касб эгаси бўлиши эканлигини кўрсатмоқда. Диний маърифат соҳасига оид тадқиқотларда ҳодисаларни тарихий, диний, фалсафий, социологик ва психологияк жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий сиёсий жараёнларда ўзига хос феноменал ҳолат касб этаётган вазият дин омилини геостратегик тарихини тизимли таҳлил қилиш орқали янгича ёндашув, замонавий методологик асос ҳамда миллий, умумисоний, ижтимоий тараққиёт қизиқишлирини ўз ичига олган прагматик ривож ва даражада ўрганиш борасидаги тадқиқотларни кун тартибига долзарб илмий вазифа сифатида қўймоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ёшларга эътибор ва ғамхўрик кўрсатиш, уларнинг жамият ижтимоий-маданий ҳаётидаги фаоллигини ошириш борасида муҳим шарт-шароитлар яратилди. «Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар билан ишлаш масаласи бундан буён ҳам энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади»¹. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг ўрнини илмий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосалар ишлаб чиқиши долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сонли «Миллатлараво муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сонли «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» тўғрисидаги маҳсус резолюцияси, 2019

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишига доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5465-сонли Фармойиши ва мавзуга оид бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг сифат жиҳатдан тамомила янги босқичини бошлаб берган стратегик ғоялари, Биринчи Президент Ислом Каримовнинг диний эътиқод ва диний маърифатни юксалтириш борасидаги концептуал ғоялари ҳамда Шарқ диний-фалсафий мероси мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Шарқда диний маърифатга доир илк қарашларни қадимги ёзма манбаларда, халқ оғзаки ижодида, муқаддас китобларда учратиш мумкин. Кейинги даврларда ушбу муаммолар Ўрта аср мутафаккирларидан - Абу Наср Форобий², Абу Райҳон Беруний³, Абу Али Ибн Сино⁴ сингари аждодларимиз асарларида очиб берилган.

Ўзбекистонда истиқлоннинг илк йилларида диний дунёқарашга бағишлиланган илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Илмий монография, рисола ва мақолалар нашр этилди, диссертациялар ҳимоя қилинди, жумладан, Х.Пўлатов, Г.Нажимов, Ш.Ёвқочев, С.Жўраев, Э.Бобомуротов, Н.Алимбетов, У.Сапаров, Ж.Туленов, А.Чориев, Ф.Қаноатова, Ф.Мусаев, И.Каримов, Х.Кароматов, Қ.Қуронбоев, Л.Тангриев, Ш.Тоғаев, Р.Турдибоева, Г.Туленова, Ш.Хусайнова, Ш.Эрматов ва С.Агзамходжаев⁵нинг Ўзбекистонда диний жараёнлар ва бағрикенгликнинг

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 172.

³ Абу Райҳон Беруний. “Осорул бокия”, “Ҳиндистон” асаридан. Педагогика тарихидан хрестоматия. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – Б. 54.

⁴ Абу Али Ибн Сино. Тарбия ҳакида. Тиб қонунлари. 3 томлик. – Тошкент: “Мерос” нашриёти, 1992. Т-1. – Б. 75.

⁵ Пўлатов Х.П. Ўзбек мафкураси. //Мулоқот. 1991. -№1. Наджимов Г.Н. Народные традиции и культура. – Тошкент: 1992; Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема религиозного экстремизма. Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Ташкент: 1993; Жўраев С. Ўзбекистон давлатининг ёшларга доир сиёсати: назария ва амалиёт. Сиёс. фан. док. ... дисс. Автореф. – Тошкент: 1994; Бобомуродов Э. Духовное обновление общества и изменение общественной психологии молодёжи. – Ташкент: 1994; Чориев А.Ч. Социальный облик современной молодёжи. – Ташкент: 1996; Каноатова Ф.Б. Место системы народного образования в повышении интеллектуальной активности учащейся молодёжи: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Ташкент: 1997; Мусаев Ф.А. Духовные изменения в сельской молодёжной среде Узбекистана в условиях рыночных отношений: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Ташкент: 1997; Каримов И. Проблемы активности человека в политике государства независимого Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Ташкент: 1997; Кароматов Х.С. Ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти: Фал. фан. ном. ... дисс. Автореф. – Тошкент: 1999. Куранбаев К.К. Педагогические основы развития духовной и

аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳамда ёшларнинг ижтимоий-маданий ҳаётига бағишиланган китоб, рисола ва мақолалари эълон қилинди.

Ислом дини таълимотининг илмий, фалсафий шарҳлари ҳамда диний маърифат тамойиллари каби масалаларининг таҳлилига бағишиланган тадқиқотларни амалга оширувчи олимлар қаторида У.Кушаев, И.Хўжамуродов, Ю.Якубов, Н.Юсупова, К.Комилов⁶, хорижлик олимлардан эса, Н.В.Жданов, Л.Р.Сюкияйнен, Қ.Ёунг, А.Газали, К.Юсуф кабиларнинг илмий ишларини келтириш мумкин⁷.

Муаммонинг ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш, дин, диний эътиқод ҳамда диний маърифатнинг ўзига хос хусусиятлари турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг аҳамияти илмий-фалсафий жиҳатдан маҳсус тадқиқ этилмаганини кўрсатди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Диншунослик асослари, йўналишлари, илмий-тадқиқот тамойиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривожидаги ўрни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш» мавзуси, шунингдек, 2016-2017 йилларда № А-1-075-сонли «Илмий-техник тараққиёт ва «оммавий маданият»нинг баркамол авлод саломатлиги ва маънавий тарбиясига таъсирини илмий тадқиқ этиш» мавзуидаги амалий тадқиқот лойихаси доирасида бажарилган.

социальной активности студентов. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент: 2000; Тангриев Л.Х. Ёшлар сиёsat субъекти: бандлик муаммоси. Сиёс. фан. ном. ... дисс. Автореф. – Тошкент: 2000; Тоғаев.Ш. Ўзбек халқининг миллий гурурини шаклланишида маданий меросининг роли. – Тошкент: 2002. Турдибоева Р. Тараба-ёшлар хуқуқий маданиятини шакллантиришнинг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент: 2002; Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил) Фал. фан. док. ... дисс. Автореф. – Тошкент: 2006. Хусанов Ш. Истиқлол даврида ёшлар хуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнларининг социологик таҳлили. Социо. фан. ном. ... дисс. Автореф. – Тошкент: 2007; Эрматов Ш.А. Ўзбекистонда қишлоқ ёшларини сиёсий жараёнлардаги иштироки: ютуклар, муаммолар ва ечимлар. Сиёс. фан. ном. ... дисс. Автореф. – Тошкент: 2007. Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат / Масъул мухаррир С.Аззамходжаев. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 255 б.; Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-маданий ислоҳотлар жараёнида. / Масъул мухаррир С.Аззамходжаев. – Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2014. – 222 б.; Ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви (этносоциологик тадқиқот). / Масъул мухаррир С.Аззамходжаев. – Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2014. – 174 б.

⁶ Кушаев У. Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги. – Фал. фан. док. ... дисс. Автореф. – Тошкент: 2017.; Хўжамуродов И.Р., Якубов Ю.М. Ислом: жамият ва шахс. – Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ институти нашриёти, 2007. – 89 б.; Юсупова Н. Ислом хуқуқига кўра оиласи муносабатларда мулкий масалалар. – Тошкент: “Мовороуннахр”, 2011. – 66 б.; Комилов К. Глобаллашув ва диний жараёнлар. – Тошкент: “Мовороуннахр”, 2014. – 128 б.

⁷ Жданов Н.В. Исламская концепция миропорядка. Международо-правовые, экономические и гуманитарные аспекты. – Москва: 1991. – 199 с.; Сюкияйнен Л.Р. Исламская концепция прав человека: теоретические основы, тенденции и перспективы развития // Права человека итоги века, тенденции, перспективы. – Москва: 2002; Young Q. The Near East: Society & Culture. – Р. 163-164.; Нравственность мусульманина / Шейх Мухаммад Аль-Газали [пер. с араб. Рустамова Айдера Иса-оглы] Киев: Ансар Фаундейшн, 2005; Права человека в исламе: перевод с сокращениями / Мухаммад Аль-Газали. – Москва: Андалус, 2006. – 94 с.; Юсуф К. Дозволенное и запретное в Исламе / Юсуф Кардави // Казань: Индел-Пресс. – 2011. – 46 с.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда унинг миллий ўзликни англашга таъсирини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«ижтимоий-маданий ҳаёт» ва «диний маърифат» тушунчаларининг таърифи, чегаралари, тарихий ва замонавий хусусиятлари, таснифларини тузиш асосида унинг илмий-категориал тушунчаларини шакллантириш, бу борадаги назарий-услубий муаммолар кўламини аниклаш;

жамият ижтимоий-маданий ҳаётининг тарихий ўзгарувчан хусусияти ва бунда диний-маърифий фаолият инъикоси таъсирини, аҳамиятини баҳолаш ҳамда уни ривожлантиришда маданий мерос ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўрнини ўрганиш;

«Жаҳолатга қарши маърифат» концепциясини амалга оширишда диний маърифатнинг аҳамиятини ўрганиш;

глобаллашув шароитида ёшлар диний маърифатининг ижтимоий-маданий омилларининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу йўналишда маҳсус концепция яратиш эҳтиёжи ва миллий ижтимоий-маданий омилларнинг заруратини асослаш;

Ўзбекистон ёшларининг диний маърифат туйғуси ва унинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги аҳамиятини чукур ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, уларнинг самарали йўллари ва воситаларини аниклаш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти - Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг аҳамияти ва унинг жамият ҳаётига таъсири.

Тадқиқотнинг предмети диний маърифатнинг Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-маданий ҳаётидаги аҳамиятини илмий-фалсафий таҳлил этиши.

Тадқиқотнинг усуслари. Диссертацияда илмий билишнинг диалектика, тарихийлик, мантиқийлик, тизимли – функционал ёндашув, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, кузатув, сўров каби тадқиқот усуслари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

«диний маърифат» тушунчасининг таърифи, тарихий ва замонавий хусусиятлари ўрганилган, янги тушунчалар орқали асослаб берилган ҳамда назарий-фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

жамият ижтимоий-маданий ҳаётининг тарихий ўзгарувчан хусусияти ва унинг диний маърифий фаолиятидаги инъикоси даражалари аникланиб, бу воқеиликни рационал идрок этиш ва баҳолаш муносабатлари Ўзбекистон ёшлари мисолида амалий сўров натижалари асосида Республиканинг барча вилоятлари кесимида илмий таҳлил этилган;

«Жаҳолатга қарши маърифат» глобаллашув шароитида ёшлар диний маърифатининг ижтимоий-маданий ҳаётидаги ёшлар ва оила муносабати, ўзликни англаш, миллий қадриятлар, маънавий-ахлоқий меъёрлар ва бағрикенлик масалалари илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистон ёшларининг диний маърифати ва унинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги аҳамияти тизимли ва назарий шаклда ўрганиш имконини берувчи таҳлилий хуносалар орқали очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жамият ижтимоий-маданий ҳаётининг тарихий ўзгарувчан хусусияти ва унинг диний маърифий фаолиятидаги намоён бўлишига қаратилган қўрсатмалар ишлаб чиқилган;

«Ўзбекистон ёшларининг диний маърифати концепцияси» лойиҳасини тайёрлашда ёшлар онгода диний бағрикенглик ғояларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва усуллари кўрсатиб берилган;

ёшлар ўртасида диний маърифатни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқилган ва педагогик фаолиятда интерфаол таълим мухитини шакллантириш юзасидан дастурлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги нашр этилган монография, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги маҳсус журнallар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар ва у ҳақдаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган сўровномалар, хуроса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг аҳамиятини ўрганишга янгича ёндашувлар асосида уларнинг миллий ўзликни англашга таъсирини аниқлаш борасидаги илмий-фалсафий билимларни илмий-услубий жиҳатдан кучайтириши билан белгиланади. Ушбу тадқиқотда ишлаб чиқилган қатор категориал тушунчалар дин фалсафаси соҳасидаги амалий тадқиқотлар учун илмий-услубий асос бўлиши мумкин. Мазкур тадқиқот материалларидан келгусидаги илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятда ҳамда диншунослик, фалсафа, психология, социология мутахассисликлари бўйича ўқув дастурлари доирасида диний маърифатнинг тарихи, бугуни ва ижтимоий-маданий мазмун-моҳияти бўйича мавзуларнинг ишлаб чиқилишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, унда ўз аксини топган назарий хуносалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази, ўзини-ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида, ёшлар билан уюштириладиган мулоқот, давра суҳбатларида ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлигидадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифат аҳамиятини тадқиқ этиш давомида олинган илмий натижалар асосида:

диний маърифатнинг тарихий ва замонавий хусусиятлари, категориал асосларини аниқлашга қаратилган янги услубий восита борасидаги

таклифлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2016 йил 14 сентябрда имзоланган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини ёшларга кенг тарғиб қилиш юзасидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тарғиботи ойлиги» лойиҳасини ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йил октябрдаги 04-13/297-сон далолатномаси). Ушбу илмий натижа диний маърифат ёшларни, барча миллат ва халқларни ҳамиша нурли ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этишини, унинг асл, гуманистик мазмунини теран таҳлил этиш – жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлида бирлаштиришдаги асосларидан бири сифатида қабул қилинган;

жамият ижтимоий-маданий ҳаётининг тарихий ўзгарувчан хусусияти ва унинг диний маърифий фаолиятидаги инъикоси даражаларини аниқлаш бўйича илмий-услубий материаллардан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тарғибот ишлари дастурларини ташкил этишида муентазам равишида фойдаланиб келинди (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йил 17 июндаги 1554-сон далолатномаси). Мазкур натижалар ёшлар ижтимоий-маданий ҳаётини чуқур илмий асосда ўрганиш орқали айрим ёшлар ҳаётига таъсир этувчи салбий мафкуравий ва информацион хуружларга қарши иммунитетини шакллантиришга хизмат қилмоқда;

Ўзбекистон ёшларининг диний маърифат туйғуси ва унинг ижтимоий-маданий ҳаётни юксалтиришдаги аҳамиятига доир таклифлардан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг тарғибот ишларини, йўл хариталарини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2019 йил 7 ноябрдаги 13/2274-19-сон далолатномаси). Бу мамлакатимиз хотин-қизларининг диний маърифатини ўрганиш, жамиятга асосий таҳдид бўлиб келаётган диний низоларнинг олдини олиш йўллари, ватанпарварлик, бағрикенглик каби умумбашарий қадриятлар бугунги кун ёшларининг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам бермоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари б та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда, жумладан, «Инновационные процессы в экономической, социальной и духовной сферах жизни общества: материалы III международной научно-практической конференции» (Прага, 2013), «Шарқ фалсафаси ва Ўзбекистонда ижтимоий тафаккур ривожи» (Тошкент, 2012), «Мустаҳкам оила – жамият таянчи» (Тошкент, 2015), «Таълимда фалсафанинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2016), “XXI аср – Интеллектуал авлод асри шиори остида «Уч авлод» (Тошкент, 2017), «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2018) апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий мақола эълон этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та

мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 6 таси республика журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилган даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ишнинг обьекти ва предмети аниқланган; диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; эълон қилингандиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Жамият ижтимоий-маданий ҳаёти ва диний маърифатнинг мазмун-моҳиятини ўрганишнинг илмий-фалсафий асослари» номли биринчи бобида шахснинг фалсафий, ахлокий, сиёсий, ҳукуқий, иқтисодий, илмий-табиий, экологик, эстетик қарашлари билан уйғунлик ва боғланишдагина маънавий-рухий куч касб этади. Айниқса, жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётида ислом динининг тутган ўрни бекиёс хисобланади. Ислом дини мамлакатимизда ёшларни тарбиялаш ва фуқароларнинг диний маърифатини шакллантиришнинг муҳим омили бўлмоқда. Айни шу муаммоларни назарда тутган ҳолда мазкур бобда “жамият ижтимоий-маданий ҳаёти” ва “диний маърифат” тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш шакллари, уларнинг тарихий ўзгарувчан характеристи, замонавий хусусиятлари, таърифларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилишга эътибор қаратилган.

Илмий адабиётларда “жамият ижтимоий-маданий ҳаёти” ва “диний маърифат” тушунчаларига таърифлар мавжуд, аммо уларда мазкур тушунчаларни англашда яқдиллик йўқ. Уларнинг ўзагини “ижтимоий-маданий билим” ва “диний билим” тушунчалари ташкил этади ва белгилари амалиётда кўзга ташланади. Аммо айнан бу тушунчаларнинг диний-фалсафий моҳияти етарли даражада тадқиқ этилмаган. Ҳатто “жамият ижтимоий-маданий ҳаёти” ва “диний маърифат” тушунчалари аксарият луғатларда мавжуд эмас. Айниқса, “диний маърифат” тушунчаси инсоннинг маърифатпарварлик фаолиятини етарли даражада ўрганилмаганлиги, бу борада атамаларнинг бир маъноли талқини мавжуд эмаслиги унга аниқлик киритиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, айниқса, диний маърифат даражаси ўзининг фундаментал ва экспериментал асосларини методологик жиҳатдан таъминлаган ҳолдагина илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан жамият ижтимоий-маданий ҳаётида диний

маърифатни юксалтиришнинг назарий, праксиологик йўналишларини, методологик асосларини конкретлаштириш зарурияти долзарб илмий-фалсафий муаммо ҳисобланади.

Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, диний маърифат даражасини тизимли-тузилмали, мажмуавий-фалсафий таҳлил қилиш диний дунёқараш билан боғлиқ. Тадқиқ қилинаётган обьект ва предметнинг категориал аппаратини, тушунчалари мазмунини конкретлаштириш назарий-методологик вазифа бўлиб, муаммонинг илмий-амалий ечимини топишнинг зарурий шарти. Дарҳакиқат, ҳозирча, жамият ҳаётида диний маърифатнинг ижтимоий-маданий муаммоларини тадқиқ қилишда қўлланилаётган тушунчаларга нисбатан яқдил, қатъий муносабат шаклланмаган. Бу эса илмий-назарий хулосаларнинг, амалий тавсияларнинг турли-туманлигини, хатто, уларнинг қарама-қаршилигини келтириб чиқармоқда. Шу боисдан ҳам дастлаб, биз диний маърифатнинг негизини ташкил қилувчи “дин” тушунчасининг илмий-фалсафий таҳлилига алоҳида тўхталиб ўтсак.

Дин (арабча – “эътиқод”, “ишонч”; лотинча “*religio*” – “диёнат”, “сифиниш”, “*relegare*” – “ортга қайтиш”, “*relicare*” –“боғламоқ”) ижтимоий онг шаклларидан бири ҳисобланади. Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйгулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолияти орқали намоён бўладиган, олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида шакли, уни идрок этишнинг ўзига хос усули саналади¹⁴, дейиш мумкин.

Инсонда моддий ва маънавий эҳтиёжлар муттасил юксалиб боради. Бир эҳтиёжнинг қондирилиши билан унданда юксакроқ янги эҳтиёж туғилади. Аввалгидан яхшироқ, қулайроқ, гўзалроқ буюмни ва санъат асарини яратишга интилиш, олдингисидан теранроқ, аниқроқ билимни эгаллашга, мукаммалроқ техникавий асбоб-ускуналарни ихтиро қилишга уриниш, турмуш даражасини янада яхшилаш ва фаровонлаштиришга интилиш – инсонга хос хусусиятдир. Бу табиий равишда туғиладиган ижтимоий эҳтиёж туфайли кишилар ривожланадилар.

Маърифат ҳақида фикр юритганда, аввал, унинг луғавий маъносига тўхталиб ўтамиз. Маърифат сўзи “билим бериш”, “хабардор қилиш”, “ўргатиш” маъноларини англатади. Маърифатнинг иккинчи маъноси “инсон онги, қалби, ҳаёт тарзини ижобий томонга ўзгартириб, яхшилик қилиш, савоб ишларини амалга оширишга ундейдиган куч сифатида намоён бўлади”¹⁵ деб таърифланган.

Онгнинг ўзига хос шакли сифатида дин эътиқод, ишонч ва билиш механизмлари (ҳаёт тажрибаси)га таянади. Диний эътиқод рефлексия билан қўллаб-қувватланади, шахснинг фожеавий тажрибаси (ўлим хавфи ёки яқинларини йўқотиши)ни англаб етиш орқали юзага келади ёки мустаҳкамланади, бу тажриба шахсни ўз ҳаёти ва тафаккур тарзини тубдан ўзгартиришга даъват этади.

¹⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилли. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашри, 2002. – Б. 300.

¹⁵ Ҳасанов А., Юсупов О., Шермуҳамедов К., Фафуров У., Каримов Ж. Диний мутаассиблик: моҳият, максадлар ва олдини олиш йўллари. – Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2013. – Б. 145.

Диний маърифат –диннинг ҳақиқий қадриятларини одамларга оддий, содда тилда тушунтириш. Диний маърифат, моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик ва бағрикенглик тамойилларини ўзида ифода этиш, дин учун инсон дилини ранжитиши, жоҳиллик, айирмачилик ва вайронагарчилик ёт эканини аҳолига, хусусан, ёш авлод вакилларига англатиши, уларни экстремизм ва ақидапарастилик ғояларидан муҳофаза қилишни назарда тутади.

Ислом дини нафақат бизнинг минтақада, балки бутун дунёда миллионлаб инсонларни маънавий ва оиласвий-маиший, турли ижтимоий доираларига катта таъсир кўрсатади. Ахлоқий-руҳий ислом устунларини англаш авлоддан-авлодга ўтиб, нафақат минтақа ҳалқларининг тарихий-маданий ўзига хослигини мустаҳкамлашга имкон яратади, балки руҳий-ахлоқий ижтимоий шартлар ҳалқлар ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш хиссини кучайтириш, барқарорлик ва тинчликни сақлашга йўналтирилган.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон худуди қадим замонлардан бошлаб турли маданият, тил, урф-одат, хилма-хил турмуш тарзи ва динларга амал қилган этнослар, ҳалқлар ва миллатлар яшаб келган ўлка ҳисобланади. Ўзбекистонда маданий, диний ва миллий хилма-хилликнинг табиий ҳолат ва инсоний бойлик эканлиги ижтимоий онгда устувор мавқе касб этади. Шунинг учун ҳам миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳар бир инсон ўзини Ўзбекистон фуқароси деб билиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида бир хил teng имкониятларга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу ҳолат аниқ ва ифодали қилиб битиб қўйилган. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар»¹⁶. БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ 1997 йил 16 ноябрдан бошлаб бутун дунёда «Халқаро бағрикенглик» куни нишонланади. Бағрикенглик принциплари декларациясида: «Бағрикенглик – бу бизнинг дунёмизни, бизнинг ўзимизни ифодалаш шаклларимизни ва инсон индивидуаллиги намоён бўлиш усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш», – дейилади¹⁷. Айни пайтда, Республикаизда маънавий-маърифий тадбирлар, жумладан, узлуксиз таълим тизимида этник, гендер ва диний бағрикенглик ҳақида маълумот берувчи дарсларнинг киритилиши, фуқароларда бағрикенглик маданиятини камол топтириш соҳасидаги устувор вазифалар тадқиқ қилиб борилди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб, «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 12.

¹⁷ Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. № 4 (40). 2007. – Б. 179.

ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат»¹⁸ белгиланган. Демократик ислоҳотлар даврида мамлакатимизнинг ижтимоий-маънавий барқарорлигини таҳдид туғдирадиган салбий ғоялар таъсиридан ҳимоялаш учун «маърифат» тушунчасининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, жамият ижтимоий тузилмасидаги ўрни, фан ва таълим тизими билан муносабатларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш зарурияти кучаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Факат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди»¹⁹. Шу нуқтаи назардан ёндашганда маърифатнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни, унинг моҳиятини белгиловчи омилларни аниқлаш, ижтимоий маънавий юксалишда ўзаро уйғунликни таъминлаш жараёнлари билан боғлиқ муаммоларнинг оптималь ечимини топишга оид илмий-амалий хуросаларни ишлаб чиқиши долзарб вазифа ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Глобаллашув шаротида диний маърифатнинг ижтимоий-ғоявий негизлари»** деб номланган иккинчи бобида бугунги глобал ўзгаришлар даврида ахлоқий ва диний маърифат бир-бирини тақозо этган жойдагина инсон маънавиятида мукаммаллик ва улуғворлик вужудга келиши асосланган. Ахлоқ ҳеч қачон диний маърифатни инкор этмаган ёки динни гўзал ахлоқ эканлигини унутмаган. Шу боисдан ҳам ахлоқ ва дин инсон тафаккури ва ҳаёт тарзининг бир бутун ижтимоий-маданий ифодаси сифатида қарор топган. Шунинг учун ҳам бу икки ижтимоий-маданий қадриятлар уйғунлиги шахс, миллат ва жамият ҳаётида ўзига хос ўрин тутади. Бундай маънавий уйғунлик баркамол авлод тарбиясида катта аҳамият касб этади. Мазкур бобда глобаллашув шаротида ёшлар диний маърифатини ижтимоий-маданий омиллари ва интеллектуал воситалари, Ўзбекистон ёшларининг диний маърифат туйғуси ва унинг ижтимоий-маданий ҳаётни юксалтиришдаги аҳамияти ҳамда ёшлар онгига диний бағрикенглик ғояларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва усувлари ўрни очиб берилди.

Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатлардаги сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, социолог, файласуф олимларнинг диққат марказида турган фуқаролик жамияти муаммоси Ўзбекистон учун алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, эркин демократик жамият қуриш имкониятига эга бўлди. Янги жамиятни халқимизнинг менталитетига, миллий-маънавий хусусиятларига мос, минг йиллар давомида шакллантирилган қадриятларимизга асосланибгина қуришимиз мумкин эди. Демак, ўтмиш меросни тиклаш, миллий-маънавий бойликларимизни ўрганиш асосида халқимиз маънавиятини янгилаш зарур эди. Барчамизга маълумки, дин ва мағкура азал-азалдан жамият ҳаётини, одамларга муносабатларни муайян тартибга солувчи омил вазифасини ўтаб келган.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон. 70-модда.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Ишонч» газетаси, 2018 йил 29 декабрь.

Маънавий меросимиз сарчашмаларидан бири бўлган ислом динига хурмат туйғулари қайта тикланди, бу қадриятни ёшлар маънавияти ва тарбияси, ахлоқи ва кишиларимизда янги тафаккур тарзини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти алоҳида эътироф этилди. Аммо бизнинг бу ютуқларимизни кўра олмайдиган кимсалар бизни яна ўз эътиқодимизга қарши қилишга, ёшлармизни ислом байроғи остида ўз таъсир доирасига олишга уринишлари ҳамон давом этмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг ислом дини, унинг моҳияти ва ҳаётимиздаги аҳамиятини тадқиқ қилиш, динни соҳталаштириш ва сиёсийлаштиришга уринаётган гурухларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, уларга муносиб жавоб бериш тўғрисида билдирган қимматли фикрларини ўрганиш долзарб ва аҳамиятли ҳисобланади.

Дунёвий давлат ва дин муносабатларини белгилаб берувчи бошқа бир тамойилнинг мазмуни дин соҳасида кучаяётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш, шундан келиб чиқиб, ижобий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда намоён бўлади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи бошқа бир тамойил шундан иборатки, динни ҳалқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожи учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қиласи.

Ўзбекистондаги муқаддас қадамжоларга бориш динга нисбатан муносабатни ифодаловчи яна бир ҳаракат ҳисобланади. Умуман олганда, ёшларнинг муқаддас зиёратгоҳларга бориш ҳақидаги фикри қуидаги тарзда бўлинди: кўпчилик респондентлар ва уларнинг оиласлари (68,2%) Ўзбекистондаги мавжуд зиёратгоҳларга боришган, сўровнинг учдан бир қисмдан ортиқ иштирокчилари (31,8%) муқаддас зиёратгоҳларда бўлишмаган, лекин уларга боришни исташади²⁰.

Сўров натижаларидан аниқлашича, ёши улғайган сари мамлакатдаги зиёратгоҳларга борувчи инсонлар сони кўпаймоқда. Масалан, 20-24 ёшлилар (72,9%), 25-29 ёшлилар (68,8%) муқаддас зиёратгоҳларга, 14-19 ёшлиларга (57,7%) нисбатан кўпроқ боришган. Ўрта маҳсус маълумотли (84,8%), ишлайдиган (72,9%) ва олий маълумотга эга (78,0%) респондентлар зиёратгоҳларга мактаб, коллеж ва лицейлар ўқувчиларига (59,0%), ОЎЮлари талабаларига қараганда (68,9%) кўпроқ боришган.

2018 йилги сўров натижалари бўйича респондентларнинг ислом динини билиш бўйича билимлари мос даража сақланиб қолмоқда. Респондентларнинг 78,5% (2018 йилда 77,8%)и факат “исломнинг айрим талабларини” билади ва ўзининг бу йўналишдаги билимларини “етарли эмас” деб ҳисоблади. Айни пайтда ислом бўйича ўз билимларининг етарли эмаслигини кўрсатганлар сонининг (2017 йилда қарийб 4%га) пасайиши кузатилди – 8,6% (2016 йилда – 17,1%, 2017 йилда – 12,3%, 2018 йилда – 12,8%);

²⁰ Олиб борилган сўровномалар ва натижалари диссертациянинг илова қисмida кўрсатилган.

Ўз “диний билимлари ўсганлигини” кўрсатган респондентлар сонининг пасайиш тенденцияси кузатилади. 2018 йилда респондентларнинг қарийб 50% буни кўрсатишиди. Умуман, сўралганларнинг 2011 йилда 74,4%, 2012 йилда – 71,3%, 2013 йилда – 72,4%, 2014 йилда – 72,2%, 2015 йилда – 69%, 2016 йилда – 69,4%, 2017 йилда – 65,1%, 2018 йилда – 59% ўзларининг “диний билимлари ўсганлигини” қайд қилган.

